

ТОЛАМЕТОВА Зилола Абдужабборовна,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети «Иқтисодиёт назарияси»
кафедраси доценти, иқтисод фанлари
номзоди;

ҚУЛМАТОВ Алимжан Абдуллоевич,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети «Макроиқтисодиёт» кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди.

ИШСИЗЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

УДК: 331.526

ТОЛАМЕТОВА З.А., ҚУЛМАТОВ А.А. ИШСИЗЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Мақолада ишсизлик ва унинг оқибатлари, шунингдек, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг меҳнат бозорига таъсири, жаҳон миқёсида баъзи мамлакатларда ишсизлик даражаси ва унинг иқтисодиётга таъсири, ишсизликни бартараф этиш йўналишлари баён этилган.

Таянч иборалар: ишсизлик, фриксион ишсизлик, структуравий ишсизлик, циклик ишсизлик, табиий ишсизлик.

ТОЛАМЕТОВА З.А., ҚУЛМАТОВ А.А. ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ПРИЧИНАМ ВОЗНИКНОВЕНИЯ БЕЗРАБОТИЦЫ И ПУТИ ЕГО УСТРАНЕНИЯ

В статье рассматриваются проблемы безработицы и её последствия, а также влияние мирового финансового-экономического кризиса на рынок труда. Проанализирован уровень безработицы отдельных стран и ее влияние на экономику, пути устранения безработицы.

Ключевые слова: безработица, фриксионная безработица, структурная безработица, циклическая безработица, естественная безработица.

TOLAMETOVA Z.A., QULMATOV A.A. THEORETICAL ISSUES OF UNEMPLOYMENT AND WAYS OF OVERCOMING

There is considered in the article the issues of unemployment and these consequences. Also there is discussed influence of the global economic crisis to the labor market, unemployment rate in some countries of the world, ways of increasing of employment rate.

Keyword: unemployment, friction unemployment, structured unemployment, cyclic unemployment, natural unemployment.

Жаҳон таҷрибасига кўра, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш масаласи долзарб ҳисобланади. Ишсизликни бартараф этиш аҳоли бандлигини ошириш муаммосини макроиқтисодий тартибга солиш тизимида ҳамда иқтисодий тараққий этган бозор тузилмаси шаклланган мамлакатларнинг бутун иқтисодий сиёсатида энг асосий масалалардан биридир.

Иқтисодий беқарорликнинг кучайиши ишлаб чиқариш тушкунлигини кескинлаштиради, бунинг натижасида эса ишсизлик ўсади. Ишсизлик иқтисодий беқарорлик ва тушкунлик, инқирозни янада кучайтиради (1-расм).

Умунан, ишсизлик корхона маҳсулотларига талаб бўлмаганда ва корхона конъюнктура ўзгаришларига мослаша олмаганда, ишларнинг мавсумий ҳолдалигидан ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши натижасида келиб чиқади. Шунингдек, бозорнинг асосий қонуниятлари рақобат кураши экан, албатта бунда бозор талабларига жавоб бера оладиган корхоналар ривожланади, уларга жавоб бера олмайдиганлари инқирозга учрайди, натижада бу корхоналарда ишсизлик вужудга келади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, кўпинча «банд бўлмаган аҳоли» ва «ишсизлик» тушунчалари аралаштириб юборилади, уларнинг гўё фарқи йўқдек қаралади. Бироқ банд бўлмаган аҳоли ўзининг таркибига кўра турли хил бўлиб, уни икки томондан қараш ва икки гуруҳга бўлиш керак (2-расм).

1. Ўз хоҳишига кўра банд бўлмаслик.

2. Мажбуран (ноилож) банд бўлмаслик.

Мажбуран банд бўлмасликни ишсизлик билан бир хил деб қараса бўлади.

Ишсизлик қандай кўринишларда намоён бўлади? Одатда, ишсизлик яширин ва ошкора ишсизлик сифатида намоён бўлади. Ишлашни хоҳласалар-да, иш жойлари шу даражада чекланганки, иш қидириш бефойда, деб ҳисобловчи шахслар борки, бу яширин ишсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу кишилар иш қидирмаганлари учун улар давлат статистикасида ишсиз сифатида рўй-

хатга олинмаган. Ишлаб чиқариш инқирозга учраганига қарамай, давлат корхоналари ўз ишчилари иш жойларини сақлаб қолишга ҳаракат қилса ҳам яширин ишсизлик вужудга келади. Бунда ишчилар шу корхонани ишчилари бўлиб ҳисобланаверадилар-у, лекин улар мажбурий ҳолатда қисқартирилган иш кунида ишлайдилар ёки ҳақ тўланмаган меҳнат таътилига кетадилар.

Ишсизликнинг яширин кўринишида бўлишининг сабаблари қуйидагилардан иборат:


- давлат томонидан баъзи бир зарар кўриб ишловчи тармоқлар ва ишлаб чиқарувчиларни молиявий таъминлаш;
- банкрот бўлган корхоналарга дотациялар ажратиш;
- баъзи мамлакатларда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган корхоналар бўлгани ҳолда, уларни қисқартиришга ундовчи солиқ тизими такомиллашмаган ҳолларда;
- мулкнинг якка ҳукмронлиги бўлган ҳолатларда.

Бозор иқтисодиёти даврида яширин ишсизлик ва ишчи кучининг ортиқчалигини узоқ вақт мобайнида сақлаб туришга йўл қўйиб бўлмайди. Талабнинг қисқариши, кредитлар олишнинг чегараланганлиги, солиқ тизимини такомиллаштириб бориш ва бошқа сабаблар охир-оқибат ишчиларни бўшатишга мажбур қилади, бу эса ошкора ишсизликка олиб келади.


Ошкора ишсизлик келиб чиқилишининг бир қанча сабаблари мавжуд. Ишсизлик ўз сабабларига кўра, меҳнат ресурсларининг асосий тоифасини ўз ичига олади.

Ишсизликнинг қуйидаги ошкора турлари мавжуд:

1-расм. Ишсизлик оқибатлари.



2-расм. Банд бўлмаган аҳоли турлари.



Фрикцион ишсизлик вақтинча ишсизлик бўлиб, иш жойини алмаштириш пайтида юз беради, эски ишдан кетиб, янги ишга ўтгунча ишсизлик юз беради. Яъни улар иш қидираётган ишчи кучларидир. Ишсизларнинг ушбу тоифасига ўз касбини ўзгартираётган, кўчиб кетаётган кишилар, биринчи мартаба ишга кираётган ёшлар, вақтинчалик ишдан бўшатирилганлар киради. Ишсизликнинг бундай шакли исталган ижтимоий тизимда, иқтисодий ривожланишнинг исталган даражасида мавжуд, у ижтимоий хавfli ишсизлик деб ҳисобланмайди.

Структуравий ишсизлик иқтисодиёт, фан-техника тараққиёти жадал ривожланган сари янги ишлаб чиқаришлар, корхоналар сифат жиҳатидан янги тармоқлар пайдо бўлиши ва айни вақтда бошқа корхоналар, тармоқлар, технологиянинг эскириши билан боғлиқ. Бунда доимий равишда янги касблар пайдо бўлади ва илгари кенг тарқалган баъзи касблар кераксизга айланади, янги касбларга талаб кучаяди ва эскиларига бўлган эҳтиёж камаяди. Булар натижасида кераксиз бўлиб қолган ишчи кучи структурали ишсизликни ҳосил қилади.

Фрикцион ва структуравий ишсизликда маълум ўхшашликлар ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Асосий фарқи шундаки, фрикцион ишсизликда маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ҳамда ундан фойдаланиб қисқа вақтда иш топиш мумкин. Структурали ишсизликда ишчи кучи дарҳол ёки қисқа муддатда иш топа олмайди. У малакасини ўзгартириши, қайта малака ошириши, маълумот олиши, касб эгаллаши лозим. Ҳатто баъзи ҳолларда яшаш жойини ўзгартиришга ҳам тўғри келади.

Мавсумий ишсизлик мавсумий ишда банд бўлганларнинг мавсум тугагач ишсиз қолиши бўлиб, бу ишсизлик тури қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва сайёҳлик соҳаларига хос.

Даврий ишсизлик ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши ва ишсизларнинг пайдо бўлишидир. Даврий ишсизлик бозорнинг энг

жиддий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларидан биридир. Даврий ишсизликда ишлашни хоҳлайдиган ва бунга салоҳиятли кишилар ишсиз бўлишга мажбурдирлар, чунки ишлаб чиқаришнинг умумий таназзули туфайли ишчи кучи иқтисодиётга керак бўлмай қолади.

Институционал ишсизликни меҳнат бозорининг институтлари вужудга келтиради. Унинг асосий сабаби – ишсиз кишининг нафақа ҳисобига яшаш имкониятига эга бўлиши ва шу сабабли иш қидиришга рағбатнинг йўқолишидир. Институционал ишсизлик инсоннинг асосий эҳтиёжларини таъминлаш учун ишсизлик бўйича нафақа миқдори етарли бўлганда оммавий ҳодиса сифатида вужудга келади, нафақа тўлаш муддати давомли бўлади.

Институционал ишсизликнинг оқибатлари бир хилда бўлмайди. Албатта, ишсиз кишининг муносиб турмуш даражасини сақлаб туриш, қашшоқлик ва унинг ижтимоий оқибатларини бартараф этиш ижобий ҳолдир, унинг салбий томони жамиятдаги ишчи кучи салоҳиятидан самарали фойдаланмаслик, фуқароларда боқимандалик руҳиятини шакллантириш, меҳнатга бўлган сабаб ва рағбатлантиришнинг йўқолишидир.

Ишсизликнинг ўз ўлчами мавжуд. У ишсизлик даражаси деб аталади. Ишсизлик даражаси меҳнатга лаёқатли кишиларнинг қандай қисми ишсиз қолганини билдиради ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Y_k = \frac{N}{O} \cdot 100,$$

бунда: Y_k – ишсизлик даражаси; N – ишсизлар сони; O – меҳнатга лаёқатли аҳоли сони.

Ишсизлик муддати кўрсаткичи ҳам мавжуд. Бу кўрсаткич ишсизликнинг давомийлигини билдиради. Бу жиҳатдан қисқа муддатли ва узоқ муддатли ишсизлик бор. Уларнинг нисбати иқтисодий ҳолатга боғлиқ.

Ҳар бир мамлакат ўзидаги чекланган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда максимал миқдордаги товар ва хизматлар

яратишга ҳаракат қилади. Бунга эришиш учун эса тўла бандлик ва ишлаб чиқаришни таъминлаш керак.

Тўла иш билан банд бўлганлик деганда, меҳнатга лаёқатли бўлган барча меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тушунамиз.

Шунинг учун аҳолининг маълум миқдорда ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан табиий ҳол ҳисобланади. Тўла иш билан банд бўлганлик тушунчаси ишчи кучининг 100% иш билан таъминланганлигини билдирмайди.

Фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, абсолют тўла иш билан бандликка эришиш мумкин эмаслигини тушунамиз. Агар даврий ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик ишсизликнинг табиий даражаси ҳисобланади. Жами миллий маҳсулотнинг реал ҳажми иқтисодиётда ресурслардан тўла фойдаланилгандагина ишлаб чиқарилади.

Табиий ишсизлик ёки тўла иш билан бандлик деб, иш қидираётганлар билан бўш иш жойлари тенг бўлгандаги ҳолга айтилади. Ишсизликнинг табиий ҳолати маълум даражада ижобий кўринишга эга. Агар иш изловчиларнинг сони мавжуд бўш иш ўринларидан ошиб кетса, демак меҳнат бозори мувозанатлашмаган бўлади, бунда жами талабнинг тақчиллиги ва даврий ишсизликнинг келиб чиққанлиги кузатилади. Бошқа бир томондан ортиқча жами талабда ишчи кучи «етишмовчилиги» келиб чиқади, янги бўш иш жойлари миқдори иш қидираётган ишчилар миқдоридан ошиб кетади. Бундай пайтда ишсизликнинг ҳақиқий даражаси, унинг табиий даражасидан паст бўлади.

Ишсизлик даражасини нолга тушириб бўлмайди. Уни фақат меҳнат бозори белгилаган табиий даражагача пасайтириш мумкин.

Ишсизлик табиий даражасининг икки жиҳатини яққол кўришимиз мумкин. Биринчидан, «ишсизликнинг табиий даражаси» иқтисодиётни ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўла фойдаланаётганлигини кўрсатади.

Амалда ишсизлик даражаси «ишсизликнинг табиий даражаси»дан кўпроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаси индикаторларини ҳар чоракда баҳолаш тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 117-сонли қарорига асосан қуйидагилар аниқланади:

- ишсизлик даражаси;
- меҳнат бозоридаги танглик даражаси;
- аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига иш қидириб мурожаат қилган шахсларни ишга жойлаштириш даражаси;
- ишсизлик даражаси;
- салбий даража (10% дан юқори);
- ўртача даража (6% дан 10% гача);
- мўътадил даража (3% дан 6% гача);
- паст даража (3% дан кам).

Биз юқорида ишсизлик даражасини аниқлаш усули хусусида тўхталиб ўтдик. Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, ишсизлик даражасини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур:

1. **Қисман бандлик.** Расмий статистикаларда ишсизлик даражаси аниқланаётганда тўла иш кунда банд бўлмаганларнинг барчаси тўла бандлар қаторига киритилади.

2. **Иш топишдан умидини узган ишчилар.**

3. **Ёлғон маълумот,** бошқа бир томондан, ишсизлик даражаси баъзи бир ишламаётганлар ва иш қидирмаётган кишилар иш қидираётгани ҳақида ёлғон маълумот беришлари натижасида ўсиб кетиши мумкин. Бу шахслар «ишчи кучи таркибидан чиққанлар» гуруҳига эмас, ишсизлар гуруҳига киритилдилар. Бундай ёлғон маълумотлар берилишининг сабаби, ишсизлик учун бериладиган нафақалар, ижтимоий имтиёзлар уларнинг иш қидираётганларига боғлиқ. Шунингдек, қонунларда тақиқланган меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар ҳам ўзларини иш қидираётган ишсизлар деб маълумот берадилар.

Ишсизлик даражасини аниқлаш. Меҳнатда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисми ҳар куни ишдан бўшайди ёки бўшатилади, ишсизларнинг бир қисми эса ишга жойлашади ёки жойлаштирилади. Бундай ишсизлар таркибидан чиқиш ва унга кириш қисми жами ишчи кучининг ишсизлик ҳолатидаги қисмини аниқлайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, жамият учун ишсизликнинг ўзи ва унинг ҳажмидан кўра ишсизликнинг давомийлиги катта муаммодир.

Масалан, АҚШнинг ўзида 2007 йилдан 2013 йилгача бўлган муддатда 6 ойдан узоқ вақт ишсиз бўлиб юрганлар 17 фоиздан 44 фоизгача ўсган. 2013 йилда АҚШда ишсизликнинг ўртача давомийлиги 9 ой бўлган. Ишсизлик давомийлигини таҳлил этар эканмиз, Бельгия, Чехия, Эстония, Германия, Греция, Венгрия, Польша, Португалияда 2007 йилдан бери ишсизларнинг деярли 60 фоизи 6 ойдан ортиқ вақт ишсиз бўлиб юрганлини кўрамиз. 2013 йилда Шимолий Африка мамлакатларида узоқ муддатли ишсизлик 10 фоизни ташкил этди¹. Бу ишсизлик давомийлиги аёллар ва ёшларга кўпроқ таъсир қилди. Ишсизлик давомийлиги юқори бўлган давлатларда ишсизликнинг давомийлиги ўсиши ҳисобига ишсизлик нафақаси кўпаяди, бу эса бандлик жамғармаларига оғир юк бўлиб тушади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига хос **хусусиятлар** ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар меҳнат бозорига бевоқиф таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир, биринчи навбатда, ишсизлик даражаси ва унинг динамикасига тегишлидир. Амалиётда ишсизлик бўйича маълумотларни таҳлил этиш ва ўзаро қийинлаш муаммоси мавжуд. Айниқса, ушбу муаммо ривожланаётган мамлакатларда жуда долзарб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда инқирозгача бўлган даврда ҳам

¹ Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития. Международная конференция труда. 2014. www.ilo.org/publns. http://www.ilo.org/wemsp/5/groups/public/-/ed_norm/-/relconf/documents/meeting_document/wems_204976.pdf.

ишсизликнинг ҳақиқий даражаси юқори эди.

Ривожланган мамлакатлардаги ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидаги беқарорлик ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари давом этаётганлигини кўрсатади.

Халқаро Валюта Жамғармасининг маълумотларига кўра, жаҳон хўжалигидаги ўсиш суръати глобал миқёсда қисқариб, 2010 йилда 3,9 фоиз, 2011 йилда 3,2 фоиз, 2013 йилда 2,9 фоиз, 2014 йилда эса 3,6 фоиздан иборат бўлди.

Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръати 2011 йилда 6,2 фоиздан иборат бўлган бўлса, 2013 йилда 4,5 фоизни ташкил этди².

Таҳлиллар жаҳон меҳнат бозорида ишсизлик даражасига таъсир этувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ишсизлик даражасига таъсири. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланган мамлакатларда аҳолининг харид қобилиятига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Глобал бозор шароитида нисбатан паст рақобатбардошли иқтисодиётга эга Ғарбий Европа мамлакатларида эса ишсизлик оммавий тус ола бошлади.

2. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар. Инқироз шароитида жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши ишлаб чиқарувчиларни тезкор суръатларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг усуллари ва янги технологияларини жорий этишга мажбур этади. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллигини оширади ва штатларнинг қисқаришига олиб келади;

3. Ишлаб чиқаришнинг ишчи кучи арзон мамлакатларга кўчирилиши. Ушбу тажриба амалиётда трансмиллий корпорациялар томонидан кенг қўлланилади.

4. Иқтисодиёт тикланиш суръатларининг пастлиги сабабли меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг ўз иш ўринларини топа

² Ўша жойда.

олмаслик ҳолатлари кўплаб кузатилди. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, 2012 йилда 200 миллион киши ишсиз бўлиб, шундан 75 миллиони 25 ёшдан кичик бўлган ёшларни ташкил қилган. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 2012 йилда 12,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда ҳам дунё миқёсидаги ишсизларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди. 2017 йилнинг охиригача ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 12,9 фоизга етиши кутилмоқда. 2013 йилда ишсизлар сони дунё миқёсида 202 миллиондан иборат бўлган бўлса, 2014 йилда 4,2 миллионга кўпайди. 2013 йилда Европа Иттифоқида ишсизлик даражаси 12%ни, 2014 йилда 11,5%ни ташкил этган¹.

Глобал инқирозининг бошланиши билан замонавий иқтисодиётда иш билан банд аҳоли ва ишсизлар ўртасида янги нисбат ва юқори даражадаги ишсизлик вужудга келди. Аслида, бу борадаги аҳвол барча мамлакатларда ҳам бир хилда эмас. Бир томондан, ишсизлик дастлабки инқироз ҳолатларидан кейин жуда секинлик билан пасаймоқда. Бошқа томондан, Япония, Марказий ва Шимолий Европа мамлакатларида ишсизлик даражаси инқироздан олдинги даражага қайтди.

Дунёнинг етакчи тараққий этган мамлакатларида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурларга қарамай, Европанинг айрим мамлакатларида макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари юқори эмас. Бу борада энг оғир аҳвол Европа жанубида – Греция, Испания, Португалия ва Италияда кузатилди. 2013 йилда ишсизлик даражаси Грецияда 25 фоиздан иборат бўлган ҳолда, унинг 50 фоизини ёшлар ташкил этди. Испанияда эса ишсизлик даражаси 24 фоиздан иборат бўлган ва 2015 йилга келгандагина

меҳнат бозоридаги вазият бирмунча яхшиланди ва ишсизлик даражаси 20 фоизга тушди. Буюк Британияда ишсизлик даражаси бирмунча барқарорлашиб, 2016 йил бошида 5,1 фоизни ташкил этди.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) прогнозларига кўра, дунё миқёсида 2024 йилгача меҳнат бозорига яна 404 миллиондан ортиқ меҳнат ресурслари келиб қўшилади².

Бу даврда ривожланган мамлакатлардаги иш кучи дунё миқёсидаги ишчи кучининг 16 фоизини ташкил этади. Бироқ ишсизларнинг 31,8 миллиони айнан шу давлатлар улушига тўғри келади³.

Айни вақтларда аксарият хорижий мамлакатларда иш топа олмаслик натижасида ишчилар меҳнат бозорини тарк этмоқдалар.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида 621 миллион ёшлар ўқимайди, ишламайди, касбий тайёргарликдан ўтмайди, улар нофаол аҳоли гуруҳлари таркибига мансубдир. Турли мамлакатларда бундай нофаоллик турличадир. Буни бартараф этиш ва халқаро меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш учун жаҳон миқёсида 2020 йилгача 600 миллиондан ортиқ иш жойи яратилиши керак⁴.

ХМТ томонидан 2010-2013 йилларда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатида янги иш жойларини яратиш учун 20 миллиондан 50 миллион долларгача бўлган маблағлар сарфланган.

ХМТга аъзо бўлган дунёнинг 45 та давлатида, жумладан, Ҳиндистон, Индонезия, Мозамбик, Жанубий Африка давлатларига 120 миллион долларлик инвестициялар киритилган. ХМТ томонидан Жанубий Африкада 2009-2013 йилларда 4,5 миллион янги иш жойи яратилган бўлиб, 2020 йилгача яна 7,5 миллион иш жойи яратилиши режалаштирилган⁵.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишсизлик сурункали давом этиши натижасида

¹ Политика в сфере занятости в целях устойчивого восстановления и развития. Международная конференция труда. 2014. www.ilo.org/publns. http://www.ilo.org/wemsp/5/groups/public/-/ed_norm/-/relconf/documents/meetingdocument/wems_204976.pdf.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда.

одамлар ойлаб, йиллаб иш тополмасдан қийналмоқда. Бу эса табиийки, аҳоли ўрта-сида ижтимоий норозиликларнинг ортишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатларга қарши курашнинг ягона усули дастлаб иқтисодий давлатнинг рағбатлантириш дастурлари ҳамда айни вақтда таркибий ўзгартиришлар орқали жонлантириб олиш ҳисобланади.

Инқирозга қарши қабул қилинган чора-тадбирлар дастурлари бандликни қўллаб-қувватлаш, яъни ҳукумат томонидан бандлик даражасини сақлаб қолаётган, штатдан ташқари ишлаётганларни штатга қабул қилаётган компанияларни молиявий рағбатлантириш тизимининг жорий қилиниши, қисқартиришга тушиб қолган ишчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уй-жой ижараси ва янги иш ўринларини қидириши билан боғлиқ харажатлар учун кредитлар бериш каби чора-тадбирлардан иборат. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида бозор конъюнктураси ўзгаришларига нисбатан барқарор иш ўринларини яратиш сиёсати устувор бўлиши зарур.

Республикамиз мустақилликка эришгач, давлат томонидан меҳнат бозоридаги вазият барқарорлиги ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун кўп укладли иқтисодий шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилдики, натижада ишсизлик даражасини пасайтириш ва меҳнатда бандликни оқилона таъминлашга эришилди.

Республикамизнинг бандлик хизмати томонидан ишсизликнинг давомийлиги ҳам ҳисобга олинмоқда. 2012 йилда республикада ишсизлар сони 626,3 мингдан иборат бўлган, ундан аёллар 275,4 мингни, эркалар 350,9 мингни ташкил этган, ишсизлик даражаси эса 4,9%дан иборат бўлган¹. 2015 йилда ишсизлар сони 709,4 минг, ундан аёллар 311,2 мингни, эркалар 398,2 мингни, ишсиз-

лик умумий даражаси 5,2%ни ташкил этган². Бу эса республикадаги ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражасидан юқори бўлмаганлигини, «Бандлик» дастурларининг амалга оширилиши оқибатида тўла бандлик таъминланганлигини кўрсатади.

Дунёнинг аксарият давлатларида инқироз давом этаётган ва ишсизлик даражаси ўта юқори бўлган айни вақтда республикамизда олиб борилаётган бандлик сиёсати натижа-сида ишсизлик даражаси паст бўлаётганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 42-сонли қарорига биноан, меҳнат ресурслари балансини тузатиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш услуги ўзгарди. Шунингдек, иқтисодийнинг норасмий секторида иш билан таъминланганлар сонини аниқлаш бўйича ўзгартиришлар киритилди.

Мустақилликка эришилган дастлабки йилларга нисбатан республикамизда давлат бандлик хизматлари фаолиятининг такомиллашиб бориши натижасида иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар сони йилдан-йилга кўпайиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб бориши кузатилди. Бунинг асосий сабаби:

- иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;
- меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ошиши;
- меҳнат муассасалари талаб этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши.


Ишсизликнинг олдини олиш ва ушбу тоифадаги шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

¹ Труд и занятость в Узбекистане. – Т., 2016.

3-расм. Ишсизлар сонининг жинс буйича тақсимланиши (минг киши).

1-жадвал Ишсизлар сони ва ишсизлик даражаси¹.

Йиллар	Ишсизлар сони (минг киши)			Ишсизлик даражаси (%ларда)		
	Жами	Аёллар	Эркаклар	Жами	Аёллар	Эркаклар
2012	626,3	275,4	350,9	4,9	4,7	5,0
2013	639,7	281,1	358,6	4,9	4,7	5,0
2014	687,0	301,5	385,5	5,1	4,9	5,2
2015	709,4	311,2	398,2	5,2	5,0	5,3

мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 18-моддасида барча иш берувчиларга бўш иш ўринлари ва бўшатилиши мўлжалланган ходимлар ҳақидаги маълумотларни икки ойдан кечиктирмасдан маҳаллий меҳнат органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонида кўра, Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатни ривожлантиришнинг қуйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш.

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш.

4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Ҳаракатлар стратегиясининг 4-устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий муҳофаза ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий

инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутати. Ҳаракатлар стратегиясига асосан, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестицион лойиҳани рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битирувчисига кредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида аҳолининг самарали ва оқилона бандлигини юзага келтириш масалаларини ҳал қилиш, замонавий бандлик сиёсатининг меҳнат бозорининг ривожланиши билан мувофиқ ҳолда бўлиши долзарб вазифалардан ҳисобланади ва унда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- янги ишчи ўринларини яратишни давом эттириш ва мавжуд иш жойларининг самардорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидан бўшатиладиганлар, ишчи кучи сафига янги қўшиладиганлар ва банд бўлмаганлар сонини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурларни мунтазам такомиллаштириб бориш;
- ҳудудлар бўйича ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ўрганиш ёки меҳнат бозорини мувофиқлаштиришнинг назарий асосларини яратиш ва амалда қўллаш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар қўлланилиши зарур;
- мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълум қилмаган корхона раҳбарларига маълум

рий чоралар белгилаш, корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринлари бўйича текширувлар ўтказиш, уларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш;

- бўш иш жойлари ярмаркасини мунтазам ўтказиш;
- ўзини-ўзи иш билан таъминламоқчи бўлганлар ҳамда тадбиркорларнинг билимини янада ошириш;
- тадбиркорларнинг ягона дарча марказлари фаолиятдан самарали фойдаланишларини кенг йўлга қўйиш;
- автомобилсозлик, тўқимачилик саноатини ривожлантириш орқали бандликни янада такомиллаштириш;
- аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ишчи кучи миграциясини жонлантириш учун бундай ҳудудларда ишчи кучи миграциясига мойиллик даражасини ўрганиш, аҳоли сийрак жойлашган ҳудудларда ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш вазифаларини юклаш;
- ишсизларни қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, ишсизлик давомийлигини қисқартириш;
- бандликнинг «уйдан чиқмасдан», компьютер технологиялари ва тегишли алоқа воситаларига асосланган иш ўрнига эга бўлиш борасидаги улушини орттириш;
- иқтисодиёт ва бошқарув, сиёсатшунослик, ижтимоий ишлар, автомобиль соҳасида мутахассислар тайёрлаш даражасини янада такомиллаштириш;
- республиканинг халқаро меҳнат тақсимоти тизимига қўшилишини янада кенгайтириш, бунда ишлаб чиқариш, фан ва техника соҳаларида фаол халқаро рақобатга киришишни янада такомиллаштириш лозим;
- меҳнат ресурсларининг таклифи ва иш жойларининг миқдори ўртасида мувозанатликни келгусида ҳам сақлаб қолиш;
- маҳаллий меҳнат бозорларида ишсизлик келиб чиқишининг олдини олиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш даврига мос ҳолда ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш йўли билан ходимлар салоҳиятини ошириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.

2. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир. // Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2015 йил 17 январь.

3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // «Халқ сўзи», 2016 йил 16 январь.

4. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2014.

5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2013.

6. Труд и занятость в Узбекистане. – Т., 2016.

7. Толаметова З.А. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида меҳнат бозорини ривожлантириш йўналишлари. – Т.: «Иқтисодиёт», 2014. -305-б.

8. Узбекистан в цифрах. 2015. Государственный комитет Республики Узбекистан по Статистике. – Т., 2015.

9. www.world.bank.org